

Ўтмиш аждодларнинг хикояларига кўра, Фирдавсий “Шохнома”ни 40 ёшида бошлаган. Бу милодий 980 йилларга тўғри келади. Унга ўша пайтдаги Тус вилоятининг хокими Кутайба китоб ёзиш учун барча шароитни мухайё қилиб беради. Уни барча солиқлардан озод қилиб қўяди. Фирдавсий “Шохнома”ни ёзаётганда унинг ёнида хамиша Абу Дўлаф деган киши ровийлик қилиб туради.

Абу Дўлаф Эрон шохлари сулоласи ривоятларининг мукамал билимдони эди. Буни Фирдавсийнинг ўзи ҳам миннатдорлик билан эслади. Абу Дайлам деган шахс эса Фирдавсийга котиблик қиларди. Фирдавсий китобнинг биринчи тахрири кораламасини 994 йилда қўлдан чиқаради. Лекин ундан кўнгли тўлмади. Яна 16 йил унинг устида ишлайди ва 1010 йилда шох асарини мукамал тугатиб, Абу Дўлаф билан Газнага Султон Махмуд Газнавий хузурига жўнайди. “Шохнома” Султон Махмуд Газнавийга бағишланган, 7 жилд нусхада қўчирилган эди. Фирдавсий катта мукофотга лойик китоб ёзганлигини билар, яқкаю ёлғиз кизи учун сепликка катта пул ундириш умидида эди.

Улар Газнага етиб келиб, Султон Махмуднинг кўкалдоши, вазир Хожа Хасан Маймандийга тугалланган “Шохнома” хабарини етказди. Хожа Хасан зукко киши эди, шеърятни яхши қўрарди. Бунинг устига султоннинг ҳам Фирдавсийга мойиллиги бор эди. Аммо саройда Хожанинг душманлари ҳам талайгина эди. “Шохнома” хабари Султонга етгач, у саройда машварат ўтказиб, “Фирдавсийга нима берамиз?” деб аёнларидан сўрайди. Бу йигинда, афсуски, Хожанинг мухолифлари кўпчиликни ташкил қиларди, Хожа ёлғизланиб қолади. Мухолифлар бир овоздан: “Унга ўн-ўн беш минг дирхам ҳам етади”, дейишади.

Султон Махмуд кўпчиликнинг раъйига қарши боролмайди. Фирдавсийга йигирма минг дирхам юбортиради. Вазир Хожа Хасан Маймандий эса тил тишлаб қолади. Фирдавсий бундан каттик ранжийди. Хаммомга тушиб роса бўзахўрлик қилади-да, пулнинг ярмини хаммомчига, ярмини бўзачига бериб, кечаси Газнани тарк этди. Олти ой ҳеч қимга кўринмади. Юз байт “Шохнома”га дебоча ёзиб, Султон Махмудни хажв қилди. Кейин китобни кўтариб ўзининг вилоятдоши Табарон хокими Шахриёр хузурига борди ва хажвиясини ўкиб берди. Шахриёрга “Мен китобни Махмудга эмас, сенга бағишлайман”, деди. Хоким унга: “Эй устод! Махмудни алдашган. Китобингни бузиб кўрсатишган, сенга тухмат қилишган. Бундан ташқари Махмуд менинг хукмдорим, китобни унинг номида қолдиравер! Хажвияни эса менга бер, мен уни йиртиб ташлай, сенга эса эвазига бирор нарса бераман.

Эртасига Фирдавсийга юз минг дирхам билан қуйидаги номани юборади: “Хар бир байтингга минг дирхамдан тўладим, ўша юз байтингни менга юбор ва кўнглингни Махмудга бўлган гинадан пок қил”. Фирдавсийга Шахриёрнинг донолиги ва химмати маъқул тушди. Махмудни бадном қилувчи хажвия шу йўсин бархам топди.

Орадан ўн йил ўтиб, Султон Махмуд Хинд истилосидан қайтиб келаётганда бир бўйсунмаган қалъага дуч келади. Қалъага Султон нома жўнатиш учун ёздирди:

“Эртасига хадялар билан хузуримизга кел, кабулимизга ноил бўл, хизматимизни кил, инъомлар билан либосимизни кийиб, кайтиб кетасан!” Агар хохламаса, нима бўлишини кандай айтамин, деб Султон Махмуд ёнида ўтирган Хожа Хасанга каради. Ўшанда Хожа куйидаги байтни ўкиди:

Султон Махмуд: “Кишида мардлик уйготадиган бу байт кимники?” деб Хожадан сўради. Хожа эса дилидан тугиб юрган асл муддаосини тўкиб солди: “Абулкосим Фирдавсийники, шунча йил ранж тортди-ю, китобни тугатиб самарасини кўрмади”, деди. Шунда Махмуд: “Бу ҳақда эслатиб яхши килдинг, ўзим ҳам бу ишимдан пушаймонман, ул олижаноб зотни ҳақдан беҳуда махрум килдим. Газнада ёдимга сол, мен унга бирор нима юбораман”, деди.

Газнага келгач, Султон Хожага: “Фирдавсий учун йигирма минг динор олтин пул ажратишни буюр, менинг туяларимда Тусга олиб бориб топширишсин ва менинг номимдан салом айтишсин”, деди. Буйрукни Маймандий айтилганидан ҳам зиёда килиб бажарди.

Лекин карвон Рудбор дарвозасидан кириб келганда, Фирдавсийнинг тобутини Разон дарвозасидан олиб чиқишаётган эди. Шу куни Фирдавсийнинг жасадини кабрстонга олиб боришда ҳам катта жанжал чиқди. Табаронлик рухонийлар бошлиги: “Унинг мурдасини мусулмонлар кабрстонига қўйдирмайман, у рофизий”, деб туриб олди. Охир уни шаҳар ташкарисидаги ўзининг кичкинагина чорбогига дафн қилишди. Хайрон бўлган элчилар калам хакини Фирдавсийнинг кизига бермокчи бўлишди. У пулни олишдан бош тортди. Бу воқеалар бор тафсилотлари билан Султон Махмуд ва Хожага чопар оркали етказилади.

Султон Махмуддан шундай фармон бўлади: “Фирдавсийни ҳақоратлаган рухоний мамлакатдан чиқариб юборилсин. Фирдавсийга хадя қилинган пулга Нишопур-Марв йўли бошида Работи Чоха масжиди қуриш Хожа Абу Бакр Карромийга топширилсин”.

Бу фармон тўлигича амалга оширилади. Фирдавсийнинг калам хакига Работи Чоха масжиди қурилади.

**Манбалар асосида Шафоат Рахматулло Термизий тайёрлади.**